

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОЙИШИ**

**«ХАЛҚ БИЛАН МУЛОҚОТ ВА ИНСОН МАНФААТЛАРИ ЙИЛИ» ДАВЛАТ
ДАСТУРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ВА АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ
ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТҮҒРИСИДА**

(Ўзбекистон Республикаси қонун хуҗжатлари тўплами, 2017 й., 8-сон, 119-модда)

Мамлакатда амалга оширилаётган демократик жараёнларнинг сифати ва натижадорлигини тубдан ошириш ҳамда инсоннинг хуқуqlари, эркинликлари ва манфаатларини, шу жумладан одамлар ҳаётининг муносаби даражасини таъминлаш, улар амалга оширилиши учун давлат органларининг роли ва масъулиятини кучайтириш, ахоли билан очик мулоқотни йўлга қўйиш ва уларнинг мурожаатлари билан ишлашнинг янги самарали механизмлари ва усусларини жорий этиш, фуқароларни безовта қилаётган ҳаётий муаммоларни ўз вақтида ҳал этиш, «Инсон манфаатлари ҳар нарсадан улуғ» деган эзгу ғояни ҳаётга изчил жорий этиш мақсадида, шунингдек 2017 йил Ўзбекистон Республикасида «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» деб эълон қилингандиги муносабати билан:

1. «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» Давлат дастурини ишлаб чиқиши ва амалга ошириш бўйича Республика комиссияси 1-иловага мувофиқ таркибда ташкил этилсин.

2. Республика комиссияси (А.Н. Арипов) жамоат ташкилотларини ва Ҳукуматга қарашли бўлмаган ташкилотларни, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини кенг жалб этган ҳолда вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан биргаликда бир ой муддатда «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» Давлат дастури лойиҳасини ишлаб чиқсан ва тасдиқлаш учун киритсан.

Вазирликлар, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, хўжалик бирлашмалари, жамоат ташкилотлари ва Ҳукуматга қарашли бўлмаган ташкилотлардан тушаётган материаллар ва таклифларни умумлаштириш учун 2-иловага мувофиқ таркибда ийфма ишчи гурух ташкил этилсин.

3. «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» Давлат дастури лойиҳасини ишлаб чиқишида қуидаги муҳим, устувор вазифалар амалга оширилиши бўйича аниқ таклифлар ва чора-тадбирлар ишлаб чиқилишига алоҳида эътибор қаратилсин:

қабул қилингандиги қонунлар, фармонлар ва бошқа қонун хуҗжатлари бажарилиши, давлат органларига юклangan вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши бўйича улар ишининг самарадорлиги, улар томонидан инсоннинг хуқуqlари, эркинликлари ва манфаатларига риоя этилиши, фуқароларнинг мурожаатларига муносабат билдирилиши юзасидан Парламент ва жамоатчилик назоратининг доимий ишлайдиган таъсирчан механизмларини шакллантириш;

фуқароларнинг ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш, ахоли билан очик мулоқотни йўлга қўйишнинг янги самарали механизмлари ва усусларини жорий этиш, барча даражалардаги ҳокимларнинг, прокуратура ва ички ишлар органларининг ахоли олдида хисобот бериши тизимини амалиётга жорий этиш, шу асосда ҳалқнинг давлат ҳокимиятига бўлган ишончини мустаҳкамлаш;

жойларда «халқ қабулхоналари»ни ташкил этишнинг аниқ ҳуқукий, ташкилий-амалий, моддий-техник ва молиявий асосларини белгилаш, уларнинг самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш, фуқароларнинг мурожаатлари энг кўп тушадиган соҳаларда бюрократик тўсиқлар ва муаммоларни бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш;

талааб этиладиган давлат хизматларини аҳолига «ягона дарча» тамоилии бўйича бир идора орқали кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш, ушбу жараёнларга ва давлат

органлари фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, «Электрон ҳукумат»нинг самарали тизимини шакллантириш;

суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини мустаҳкамлаш ва одил судловга эришиш, фуқароларнинг ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш институти сифатида адвокатуранинг роли ва аҳамиятини янада ошириш, суд-ҳуқуқ соҳасида адвокатларнинг ваколатларини кенгайтириш чора-тадбирларини амалга ошириш;

аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ва молиявий-иктисодий саводхонлигини ошириш, фуқароларни қонунни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш тизимини шакллантириш, жамиятда ҳуқуқбузарликка тоқатсизликни кучайтириш, «Адолат — қонун устуворлигига» тамойилини жамият ҳаётида кенг қарор топтириш;

иктисодиётни бошқаришда давлатнинг ролини босқичма-босқич камайтириш, давлат бошқаруви органларининг тузилмаси, вазифалари ва ваколатларини оптималлаштиришга, уларга хос бўлмаган бир-бирини тақрорловчи функцияларни қисқартиришга, давлат хизмати институтини ислоҳ қилишнинг самарали тизимини шакллантиришга, давлат хизматчиларининг моддий ва ижтимоий таъминотини тубдан такомиллаштиришга, давлат хизматига замонавий фикрлайдиган ташаббускор, масъулиятли, касбий тайёрланган кадрларни жалб этишга йўналтирилган Маъмурӣ ислоҳотларни чуқурлаштириш концепциясини ишлаб чиқиши;

иктисодиётнинг барқарор суръатлар билан ўсишини таъминлаш, иктисодиётни ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш ишларини кучайтириш, кишлок хўжалигини ислоҳ қилиш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-куватлаш ва рағбатлантириш, тадбиркорлик фаолияти учун энг қулай шарт-шароитлар яратиш, хусусий мулкнинг ҳар томонлама ҳимоя қилинишини таъминлаш;

худудларни, айниқса ижтимоий ва иктиносий ривожланишда нисбатан орқада қолаётган туманлар ва шаҳарларни, чекка аҳоли пунктларини комплекс, жадал ривожлантириш, тижорат банкларининг фаол иштирокида янги иш ўринлари яратилишини таъминлаш ва шу асосда иш ҳақи, пенсиялар, нафақалар ва стипендиялар миқдорларини босқичма-босқич кўпайтириш, аҳолининг ҳаёти даражаси ва сифатини ошириш;

муҳандислик-коммуникация, ижтимоий ва бозор инфратузилмасини ривожлантириш ва модернизациялаш, аҳоли ҳаёти шароитлари ва сифатини яхшилашга йўналтирилган янгилangan намунавий лойиҳалар бўйича арzon ва қулай уйлар куриш бўйича мақсадли дастурларни амалга ошириш;

таълим, ижтимоий таъминот ва соғлиқни саклаш тизимларини, шу жумладан оналиқ ва болаликни муҳофаза қилишни янада ривожлантириш, оила институтини мустаҳкамлаш, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларнинг иқтидорлари ва қобилиятларини рӯёбга чиқариш, уларнинг ҳаётда муносиб ўринга эга бўлишлари учун кенг имкониятлар яратиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;

жамиятда ҳукм сураётган ўзаро ҳурмат ва бирдамлик вазиятини янада мустаҳкамлаш, миллати, дини ва эътиқодидан қатъи назар, барча фуқаролар учун тенг ҳуқуқлар ва имкониятлар яратиш, маҳалла институти, хотин-қизлар, ёшлар ташкилотлари, фахрийлар ташкилотларининг роли ва аҳамиятини кучайтириш, мамлакатимизда тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш.

4. Мазкур фармойишнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2016 йил 17 декабрь,
Ф-4760-сон

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 17 декабрдаги Ф-4760-сон фармойишига
1-ИЛОВА

**«Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» Давлат дастурини ишлаб чиқиши
ва амалга ошириш бўйича Республика комиссияси**

ТАРКИБИ*

- Арипов А.Н.
Йўлдошев Н.Т.
- Исмоилов Н.М.
- Голишев В.А.
Султонов Х.М.
Муродов О.Б.
- Раматов А.Ж.
- Азимов Р.С.
Ибрагимов Ф.И.
Розукулов У.У.
- Икрамов А.И.
- Нарбаева Т.К.
- Абдуллаев И.Б.
Газиев Ш.А.
Мухаммадиев У.Н.
- Сайдова Г.К.
Ахмедбаев А.А.
Абдуҳакимов А.А.
Икрамов М.М.
Касимов Р.С.
Иноятов У.И.
Мирзохидов Х.М.
- Аҳмедов Б.М.
Муллажонов Ф.М.
Кучкаров Ж.А.
- Тоҳтаев А.Р.
- Сайдов А.Х.
Шайхов А.Э.
Махамадалиев Б.Х.
- Хаджаев А.Д.
Ҳазратқулов М.
Мансуров К.Т.
- Абдувалиев А.А.
- Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, Комиссия раиси
— Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси,
Комиссия раисининг ўринбосари
— Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик
палатасининг Спикери, Комиссия раисининг ўринбосари
— Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси
— Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси
— Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси
вазифасини бажарувчи
— Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари
— «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ раиси
— Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари
— Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари,
«Ўзавтосаноат» акциядорлик компанияси бошқаруви раиси
— Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Соғлиқни
сақлаш вазири
— Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-
қизлар қўмитаси раиси
— Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори
— Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси
— Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг инсон хуқуқлари
бўйича вакили (Омбудсман)
— Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазири
— Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири
— Ўзбекистон Республикаси Мехнат вазири
— Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири
— Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазири
— Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири
— Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва
коммуникацияларини ривожлантириш вазири
— Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазири
— Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси
— Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг биринчи
ўринбосари
— Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш
қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари
— Инсон хуқуқлари бўйича Миллий марказ директори
— Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси
— Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раисининг
ўринбосари
— Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси раиси
— Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги бош директори
— Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги бош директорининг
ўринбосари
— «Ўзавтойўл» компанияси раиси

- | | |
|---------------|--|
| Махкамов И.Р. | — «Ўзкоммунхизмат» агентлиги директори |
| Саломов Ф.И. | — «Ўзбекэнерго» акциядорлик жамияти раиси |
| Султанов А.С. | — «Ўзбекнефтгаз» миллый холдинг компанияси раиси |
| Салимов У.З. | — Ўрта маҳсус, касб-ҳунар таълими маркази директори |
| Турдиев С. | — Ўзбекистон Фермерлари кенгаши раиси |
| Иногомов Ж.С. | — Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди раиси |
| Усмонов Ш.Г. | — Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-куватлаш «Нуроний» жамғармаси раиси |
| Косимов Н.У. | — Республика маънавият тарғибот маркази раҳбари вазифасини бажарувчи |
| Маврулов А. | — Миллый ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази раҳбари |
| Ганиев Б.М. | — Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши раиси |
| Содиқов А.М. | — Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг бош консультанти |
| Садиков Ш.М. | — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ёшлар сиёсати, маданият, ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари ахборот-таҳлил департаменти мудири |
| Куронов М. | — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг маслаҳатчisi, Комиссия котиби |

* Изоҳ: Қоракалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари лавозими бўйича Республика комиссияси таркиби киради.

Республика комиссияси аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда ушбу лавозимга янгидан тайинланган ёки тегишли вазифалар зиммасига юкланган шахслар унинг таркиби киритилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 17 декабрдаги Ф-4760-сон фармойишига 2-ИЛОВА

Материалларни умумлаштириш бўйича йиғма ишчи гурӯҳ

ТАРКИБИ

- | | |
|------------------|---|
| Муродов О.Б. | — Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчisi вазифасини бажарувчи |
| Раҳмонқулов М.Х. | — Амалдаги қонун хужжатлари мониторинги институти директорининг ўринбосари |
| Куронов М. | — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг маслаҳатчisi |
| Содиқов А.М. | — Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг бош консультанти |
| Кўчкоров Ж.А. | — Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг биринчи ўринбосари |
| Тойчиев Н.Т. | — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ҳуқуқий экспертиза ва халқаро шартномалар бошқармаси бошлиғи |
| Садиков Ш.М. | — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ёшлар сиёсати, маданият, ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари ахборот-таҳлил департаменти мудири |
| Шукуров С.С. | — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ёшлар сиёсати, маданият, ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари ахборот-таҳлил департаментининг бош мутахассиси |